Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2002 yil, 30 avgust № 35-36 (520-521) Sotuvda narxi erkin

## 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ



Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хиёбони» майдони

**Азим СУЮН**

## ВАТАН

**Айланур коинот, айланур абад,**
**Она Ўзбекистон! Ёниқ чироғинг.**
**Дўстларинг боши тик, душманинг барбод,**
**Гувоҳдир Туркистон — қадим тупроғинг.**

**Аждодлар руҳига балли!**
**Шуур, шукуҳига балли!**

**Офтоб диёрисан: яшнар дала боғ,**
**Мардларинг сабоғи тирик, барқарор.**
**Жайхунинг, Сайхунинг белингга белбоғ,**
**Туз-нонинг ҳалол, пок, дин-имонинг ёр!**

**Олов-оташингга балли!**
**Сарвар қуёшингга балли!**

**Барча эл оламда бўлсин жону тан,**
**Йўқолсин адоват, тенгсизлик зулмат.**
**Ўзига қутлуғдир ҳар битта Ватан,**
**Ўзига улуғдир ҳар битта миллат!**

**Зулм адосига балли!**
**Ҳурлик бақосига балли!**

**Пойдор бўл, элдор бўл, о Ўзбекистон,**
**Ўз туғинг, ўз туғронг — бахт-иқбол, яша!**
**Кураш, бу — мангулик ҳақиқат ва шон!**
**Толеингда абад истиқбол, яшна!**

**Истиқлол йўлига балли!**
**Истиқбол йўлига балли!**

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

***Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра алоқа ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди.***

"Aloqainvest" акциядорлик жамиятининг Жиззах механизациялашган кўчма жамланмаси бошлиғи **Вали ҚОБИЛОВ**, "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонаси Термиз шаҳар филиалининг кабелчи-пайвандчиси **Нурбой Болтаевич ЮСУПОВ**лар "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ" фахрий унвонлари, "Қашқадарё Телеком" шўъба корхонаси Яккабоғ филиалининг алоқачи-телефончиси **Галина Николаевна АББАСОВА**, "Фарғона почтаси" акциядорлик жамияти Риштон филиалининг ҳисобчи оператори **Бизуро Абдуқаюмовна ДАДАЖОНОВА**, "Наманган Телеком" филиалининг Наманган шаҳар телекоммуникация боғламаси телеграф алоқачиси **Лилия Таминдаровна ДИВАЕВА**, "Андижон Телеком" филиалининг Андижон шаҳар бўлими радиобоғлама муҳандиси **Михаил Валентинович ХОСЕНКО**лар "ДЎСТЛИК" ордени билан, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори **Сайдакбар Агзамович АГЗАМОВ**, "Қорақалпоқ Телеком" филиали Шуманай телекоммуникация тармоғининг телеграф алоқачиси **Клара Панабаевна АЛАУБАЕВА**, "Сирдарё почтаси" акциядорлик жамияти Гулистон филиалининг хат ташувчиси **Галина Александровна АРТЕМОВА**, "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти Қўшкўпир филиалининг оператори **Меҳрибон Тагановна БЕЙЖОНОВА**, "Фарғона Телеком" филиали Бешариқ телекоммуникация тармоғи катта алоқачи-телефончиси **Тугонча БОТИРАЛИЕВА**, "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонаси Шўрчи филиали алоқачи-телефончиси **Лидия Петровна ГУЛМИРЗАЕВА**, "Самарқанд Телеком" шўъба корхонаси Тойлоқ филиалининг ишчиси **Тошпўлат Тухлиевич МАМАТҚУЛОВ**, "Навоий Телеком" филиали Кармана телекоммуникациялар тармоғи электромонтёри **Шариф Тўхтаевич МИРЗАЕВ**, "Қашқадарё Телеком" шўъба корхонаси Қарши филиалининг кабелчиси **Ҳусан ХОЛБОЕВ**, "Андижон Телеком" филиалининг Балиқчи телекоммуникациялар тармоғи алоқачи-телефончиси **Галия Рауилевна ХУНАФИНА**лар "ШУҲРАТ" медали билан мукофотланишди.

**Мукофотлар муборак, азиз ҳамкасблар!**

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ – ИСТИҚБОЛИМИЗ

Ўн бир йил тарих учун катта муддат эмас. Мустақил республикамизда ана шу давр мобайнида улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлди, озод ва обод мамлакатимизнинг қудрати, нуфузи ҳар жиҳатдан юксалди.

Ўтган даврда алоқа ва ахборотлаштириш корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифатини ошириш борасида замон талаби даражасидаги ишлар амалга оширилди. Ривожланган давлатларнинг алоқа хизмати технологияси ва тажрибаси республикамизда кенг қўлланилмоқда.

2002 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилди. Сифатли хизмат кўрсатилиши эвазига фойда ва даромаллар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига эришилди. Фахру ғурур билан айта оламизки, мамлакатимизнинг заҳматкаш алоқачилари шонли мустақиллик байрамини ёруғ юз билан муносиб кутиб олмоқдалар. Ушбу фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъати номидан ва шахсан ўз номимдан барча алоқа ходимларини энг азиз ва энг улуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Айни чоғда байрам арафасида мамлакатимиз Президенти томонидан юксак мукофотларга сазовор бўлган ҳамкасбларимизни ҳам қизғин кутлайман. Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайман. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришдаги ишларингизда омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!

**Абдулла АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори**

# ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

Қашқадарё вилоятида ўтган йил май ойидан бошлаб Германиянинг "Алкател" фирмаси томонидан олиб келинган 24200 рақамга мўлжалланган 10 та замонавий АТСлар маҳаллий алоқачи мутахассислар томонидан монтаж қилинди. Натижада Қарши шаҳрида 6 дона 12700 рақамга, Китоб туманида 3500 рақамга, Яккабоғ туманида 2 дона 3300 рақамга, Чироқчи туманида 2048 рақамга ва Қамашида 2500 рақамга мўлжалланган АТСлар фойдаланишга топширилди. Қарши-Тахтиқорача-Шаҳрисабз йўналишида ишлайдиган 980 каналли РРЛ "Радуис" русумли ускуна монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Эндиликда қаршилик ҳамда китобликлар сўнгги русумдаги техник воситалар билан жиҳозланган замонавий АТСлар хизматидан бемалол фойдаланадилар. Ушбу станцияларнинг ишга туширилиши алоқа сифатини бир неча баробар яхшилашга замин яратди.

Янги АТСларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов, "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Т.Иминов, "Ўзбектелеком интернейшнл" АЖ бош директори Ҳ.Ҳакимов, Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари О.Худойназаров, Китоб тумани ҳокими С.Азизов, "Қашқадарё Телеком" шўъба корхонаси директори С.Каримов ҳамда Индонезиянинг "Бакри" ва Германиянинг "Алкател" фирмаси вакиллари иштирок этишди.

**Ҳ.ҚУРБОНОВ,**
**"Қашқадарё Телеком" ШК директорининг биринчи ўринбосари**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллик байрами арафасида Жиззах шаҳри аҳолиси иккита замонавий — Японияниниг "NEC" компанияси рақамли АТСлари хизматидан баҳраманд бўлишди.

Жиззах шаҳрининг "Зилол" маҳалласи ҳудудида ва 2-АТС ўрнида ушбу рақамли АТСларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан алоқачилар, шаҳар меҳнаткашлари вакиллари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Избосаров, Японияниниг "NEC", "Мицуи", "Хуавэй", "БКК" компанияларининг вакиллари ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Субҳонқуловлар иштирок этишди. Сўзга чиққанлар фойдаланишга топширилган замонавий телекоммуникация тармоқлари мустақиллик шарофати туфайли бунёд этилганлигини, алоқачиларнинг байрам совғаси бўлиб, Жиззах вилоятининг равнақи учун хизмат қилишини таъкидладилар.

**Н.БОБОЕВ**

"Навоий Телеком" филиали Навоий шаҳрида яна бир шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув пунктини ишга тушириб, вилоят аҳолиси учун республикамиз мустақиллигининг 11 йиллик байрамига муносиб совға сифатида тақдим этдилар.

Сўзлашув пункти вилоят марказининг "Темирйўл" шоҳбекати ҳудуди, 1, 2, 3-микрорайонлари аҳолиси, шунингдек, бир қанча корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари, Педагогика ва Кончилик институтлари, тиббиёт коллежи талабалари учун қўшимча қулайликлар яратди. Шунингдек, энг замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган бу сўзлашув пунктида телефон алоқасидан ташқари аҳолидан абонент тўловлари қабул қилиш, телеграммаларни олиш ва жўнатиш хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

"Навоий Телеком" филиали корхонасида алоқа хизмати кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш ишлари давом этмоқда. Шаҳарнинг марказдан олисда жойлашган 10-микрорайонида ҳам ана шундай сўзлашув пунктини ишга тушириш режалаштирилди.

**О.ХЎЖАЕВ,**
**жамоатчи мухбиримиз**

# МУСТАҚИЛЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

**Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берганлиги ҳақида алоқачи мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.**

**Ўроқ ТЎХТАЕВ, “Бухоро Телеком” филиали директори ўринбосари:**

Истиқлолга эришган жонажон Ўзбекистонимиз ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлига эга эканлигини Бухорода рўй берган катта ўзгаришлардан ҳам кўрса бўлади. Мен шу ўринда айрим мисолларнигина келтириб ўтмоқчиман. Бугунги кунга келиб вилоятимизнинг барча шаҳар ва туман марказлари замонавий АТСлар билан тўлиқ таъминланган. Бухоро шаҳрида рақамли шаҳарлараро АТСнинг ўрнатилганлиги туфайли телефон хизматидаги уланиш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Телефон хизмати ҳисоб-китобларининг барчаси компютерлар зиммасида эканлигини, алоқа тизимини такомиллаштиришда факс алоқаси ва электрон почтадан ҳам самарали фойдаланилаётганликни алоҳида таъкидлаш мумкин. Шунингдек, “Биллинг маркази”, марказлаштирилган ҳисобхона ва Интернет хизматининг кенг йўлга қўйилганлиги ҳам алоқа соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги пайтда Бухоро вилоятида рақамли тизимга ўтиш бўйича ишлар кенг миқёсда давом эттириляпти. Режада кўзда тутилганидек, 2002-2003 йилларда Японияниң “SBOC” банки кредити ҳисобидан умумий сиғими 11 минг рақамга тенг бўлган 20 та қишлоқ АТСлари рақамли тизимга ўтказилади. Айни дамда қишлоқ телефонларининг 95 фоизи автоматик тарзда шаҳарлараро сўзлашувларга чиқа олиш имкониятига эга. Булар истиқлол мижозлар учун бекиёс қулайликлар яратганлигига бир мисолдир.

Вазирлар Маҳкамасининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳеч шубҳасиз бухоролик алоқачиларнинг ҳам ўз ҳиссалари бўлади, албатта. Умуман, ҳар бир фуқаро қайси соҳада ва ким бўлиб ишлашидан қатъий назар кундалик фидокорона меҳнати, ижтимоий фаолияти билан Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда четда турмаслиги лозим деб ҳисоблайман. Шундагина мамлакатимиз янада гуллаб яшнайди, кишилар ҳаёти фаровонлашади.

**Гуля ҚУВОНДИҚОВА, “Хоразм Телеком” филиали лойиҳа-смета бўлими ходими:**

Мустақиллик бўлмаганда эски линияларнинг шанғиллашига чидаб ўтираверардик. Яқин қўшнингга қўнғироқ қилсанг ҳам эшитиш қийин бўлганидан бақириб сўзлашишга тўғри келарди. Истиқлол туфайли Япония, Жанубий Кореянинг замонавий станциялари Хоразм воҳасида ҳам ўрнатилди. Хоҳлаган жой билан мириқиб гаплаша олиш имконияти яратиб берилди. Илгари барча ҳужжатлар ёзув машинасида териларди. Иш фаолиятимизга компютер кириб келди. Ёзув-чизув, ҳисоб-китоб ишларимиз ҳам осонлашди. Керак пайти компютер хотирасида сақланаётган эски маълумотлардан ҳам фойдалана оламиз. Алоқа соҳаси ҳам хусусийлаштирилганлиги боис 15 та акция сотиб олдим. Ҳозир ўзимни «Хоразм Телеком» филиали мулкининг эгаларидан бири деб ҳисоблайман. Тез орада дивиденд оламиз.

**Шаҳодат ҲОШИМОВА, “Андижон Телеком” филиали кадрлар бўлими бошлиғи:**

Истиқлол бизга шундай имкониятлар бердики, уларни санаб тугатиш қийин. Ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилди, виждон, сўз эркинликлари, демократия... Энг муҳими, ҳар биримиз ўзлигимизни танияпмиз ва бу эришган неъматларни кўз қорачиғидек асраш зарурлигини ҳис қиляпмиз.

Республикамиз Президентининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда алоқа тизимини янада ривожлантириш учун алоҳида йўналишларни белгилаб берди. Андижон вилоятининг ўзидагина 30000 рақамли замонавий телефон станциялари ишга туширилди, вилоят ҳудуди оптик толали алоқа кабеллари тармоғи билан қамраб олиняпти.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш илгари хаёлга ҳам келмас эди. Эндиликда телефонни ижарага олиб, маҳаллий ва шаҳарлараро алоқа хизматини йўлга қўяётган алоқачи тадбиркорларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Натижада даромадлар манбаи кенгаймоқда ва қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Шу даврда амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири 2000 йилдан вилоятимизда водийда ягона бўлган Андижон алоқа касб-ҳунар коллежининг очилишидир. 2002-2003 ўқув йилида 300 талаба ўқишга қабул қилинди. Коллеж келгусида вилоят алоқа тизимлари билан ҳамкорликда малакали кадрлар тайёрлаб беради деган умиддамиз.

Шу юртнинг фуқароси сифатида ҳар биримиз мустақилликни мустаҳкамлаш бурчимиз эканлигини қалбдан ҳис қилишимиз, хизмат вазифамизга масъулият билан ёндошишимиз керак.

# МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

***Республикамиз Мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан алоқа соҳасидаги кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.***

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” филиали 7-сонли шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бошлиғининг ўринбосари **Николай Владимирович ТОЛКАЧЕВ**, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Ахборот-ҳисоблаш маркази директори **Бахтиёр Мансурович АЛИЕВ**, “Наманган почтаси” акциядорлик жамияти Косонсой филиалининг директори **Мамутхон Алимхонович ҲАМРОЕВ**, «ALCATEL SEL AG» фирмаси ваколатхонаси раҳбари **Виктор Дмитриевич ПИЛИПЮК**лар “МОҲИР АЛОҚАЧИ” фахрий унвони билан, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг диспетчери **Дилбар Мирзахўжаевна УСМОНХЎЖАЕВА**, “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиали техник фойдаланиш бўлимининг бошлиғи **Ирина Борисовна НЕСТЕРОВА**, “Самарқанд Телеком” шўъба корхонаси Булунғур филиалининг бош муҳандиси **Абдумўмин ЎРОЛОВ**, “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонаси Денов филиали Гулистон участкаси АТС муҳандиси **Султон НУРУЛЛАЕВ**, “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиали бош энергетиги **Ҳожиакбар Қодирович ҚАЛАНДАРОВ**, “Тошкент Телеком” филиали Янгийўл телекоммуникациялар тармоғи директори **Жумабой Амирович БЎТАЕВ**, “Қашқадарё Телеком” шўъба корхонаси Косон филиали директори **Рустам Давлатович РАУПОВ**, “Бухоро почтаси” акциядорлик жамияти Бухоро шаҳар филиали 4-алоқа бўлимининг бошлиғи **Халумага Мустафоевна КАРИБОВА**, “Халқаро почтамт” акциядорлик жамияти матбуотга ишлов бериш ва жўнатиш цехининг масъул навбатчиси **Миржалол Мирсаидович МИРСАГАТОВ**, “Тошкент почтамти” акциядорлик жамияти Шайхонтоҳур филиали 69-алоқа бўлимининг бошлиғи **Банохон Мирхалиловна ТУРСУНОВА**, “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси бош бухгалтери **Надежда Викторовна МАЛЕВА**, Ўзбекистон алоқа лойиҳалаш институти бошлиғи **Султонмурод Медахатович АБДУЛЛАЕВ**, Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” пул муомаласи бошқармасининг Пул муомаласи бўлими етакчи мутахассиси **Элмурод Боймуродович САЙИДОВ**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонасининг Нукус радиотелевизион узатиш маркази РРЛ цех бошлиғи **Фанис Шокирович ГИЛФАНОВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг доценти **Иброҳим ИСОМИДДИНОВ**, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг Таҳририят-нашриёт хизмати бошлиғи **Жалол САИДМУРОДОВ**, Давлат фелдегерлик хизматининг муҳим топшириқлар бўйича фелдалоқа катта зобити **Абдуғани Мажидович ОРИПОВ**, Тошкент алоқа касб ҳунар коллежининг ўқитувчиси **Пўлатхўжа ТОШХЎЖАЕВ**, “BUZTON” қўшма корхонаси бош директорининг биринчи ўринбосари **Раҳимхўжа Ашрафович ШАРИФОВ**, “Ўздунробита” қўшма корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори **Темурмалик Камолович АЛИМОВ**, “Ўзмаком” қўшма корхонаси техник бошқармасининг етакчи муҳандиси **Радик Раисович ФАХРИСЛАМОВ**, Агентлик бухгалтериясининг етакчи ҳисобчиси **Нина Юрьевна ПРЕОБРАЖЕНСКАЯ**лар “ФАХРИЙ ЁРЛИҚ” билан, “Қорақалпоқ Телеком” филиали ЭАТС-222 бошлиғи **Шираз АСАМИТДИНОВ**, “Андижон Телеком” филиали Асака телекоммуникация тармоғининг кабел-пайвандловчиси **Ориф Назиржонович ИСМОИЛОВ**, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали Янгиобод бўлими ўлчовчи муҳандиси **Оқил Собирович ИНОЯТОВ**, “Бухоро Телеком” филиали ходимлар бўлимининг етакчи муҳандиси **Зуҳро Козимовна ОДИЛОВА**, “Самарқанд Телеком” шўъба корхонаси Жомбой филиали 6-тоифали кабел пайвандловчиси **Исматулло Қудратович ҚУРБОНОВ**, “Тошкент Телеком” филиали Пискент телекоммуникациялар тармоғининг электромонтёри **Мурод Мирзааҳмедович МИРЗАБОЕВ**, “Наманган Телеком” филиали Наманган шаҳар телекоммуникация тармоғи кабел пайвандловчиси **Ҳамид Обиджонович НУРМАТОВ**, «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти Оҳангарон филиали 2-алоқа бўлимининг почтачиси **Нафиза Тошбоевна СУЛАЙМОНОВА**, “Самарқанд почтаси” акциядорлик жамияти Ургут филиали Ватак алоқа бўлим почтачиси **Нажмиддин БОБОҚУЛОВ**, “Қашқадарё почтаси” акциядорлик жамияти Касби филиалининг оператори **Очил МАМАТОВА**, “Қорақалпоқ почтаси” акциядорлик жамияти Қўнғирот филиали Жана-талап алоқа бўлимининг почтачиси **Турсун НУРАЛИЕВА,** “Матбуот тарқатувчи уюшмаси” акциядорлик жамиятининг бош бухгалтери **Вера Константиновна МАКАРОВА,** Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонасининг Бухоро радио телевизион узатиш маркази ишлаб чиқариш лабораторияси етакчи муҳандиси **Тўхтамиш Жумаевич АШУРОВ,** Давлат алоқа инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг бошлиғи **Миригул ТОИПОВА,** “UzPAK” маълумотлар узатиш давлат тармоғи корхонасининг техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш хизматининг бошлиғи **Галина Васильевна ХЛЕСТКИНА,** “Aloqainvest” акциядорлик жамияти Хоразм кўчма механизациялашган жамланмаси бетончиси **Хожаниёз НАЗАРОВ,** Республика махсус алоқа тармоғида махсус жўнатмаларни саралаш, ташиш ва етказиб бериш бўлимининг бошлиғи **Анатолий Ортиқович НОРМАТОВ,** Электромагнит мослашув маркази Сирдарё вилояти электромагнит мослашув хизматининг биринчи тоифали муҳандиси **Илҳомбой Аҳмедович ХЎЖАНИЁЗОВ,** “Rubicon Wireless Communications” қўшма корхонаси абонент бўлимининг директори **Татьяна Викторовна ИВАНОВА,** “Камалак – ТВ” қўшма корхонаси ҳайдовчиси **Алишер Исманович ТЎХТААЛИЕВ,** “SANOATALOQA” очиқ акциядорлик жамияти бош бухгалтери **Надежда Вениаминовна ОРЛОВА,** “Пренос” илмий лойиҳа конструкторлик бюроси техника таъминоти бўлимининг бошлиғи **Александр Леонидович ШАЛАТ**лар эса “ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” белгиси билан мукофотланишди.

Мукофотлар қутлуғ бўлсин азиз заҳматкаш алоқачилар!

## ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

“Тошкент почтамти” акциядорлик жамиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар прокуратураси ходимларининг пенсия тўловлари ҳолатини текшириш натижалари, почта хизмати хавфсизлиги ҳамда бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Давлат алоқа инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Л.Чуб, “Тошкент почтамт” АЖ директори биринчи ўринбосари К.Алимов, директор ўринбосари М.Низомов, “Тошкент почтамти” АЖ бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Т.Муҳаммаджоновалар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Маърузачилар почтачилик мураккаб ва масъулиятли касб эканлиги, кўп бор тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай почтачилар томонидан пенсия тўловларини тарқатиш жараёнида қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, безори ва талончилардан эҳтиёт бўлиш чора-тадбирлари борасида гапирдилар.

Анжуман сўнгида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ алоқачиларга мустақилликнинг 11 йиллик байрами муносабати билан “Фахрий ёрлиқлар” топширилди.

Йиғилишни “Тошкент почтамти” АЖ директори Юсуф Мирсоатов олиб борди.

**У.ЙЎЛДОШЕВ**

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

“Наманган Телеком” филиалида республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги ҳамда “Қарияларни қадрлаш йили”га бағишланган “Уч авлод учрашуви” ўтказилди. Корхонада узоқ йиллар самарали ишлаб нафақага чиққан бир гуруҳ фахрийлар, айни кунда меҳнат қилаётган ходимлар ва бу йил олий ўқув юртини битириб, меҳнат фаолиятини эндигина бошлаётган ёш мутахассислар иштирок этган тадбирда корхона директори К.Боқиев сўзга чиқди.

Ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлардан Наманган вилояти электралоқа корхонасида кўп йиллар раҳбарлик қилган Ҳамидулла ака Нурматов, тажрибали иқтисодчи Венера Абдуллаевалар қарияларга кўрсатилаётган эътибордан ниҳоятда мамнун эканликларини билдирдилар.

Тантана сўнгида фахрийларга қимматбаҳо совғалар, айни дамда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир гуруҳига корхона «Фахрий ёрлиғи», ёш мутахассисларга эсдалик совғалар тақдим этилди.

**Ш.ПАРПИЕВ,**
**Наманган вилояти**

## ИНТЕРНЕТГА ҚАРШИ “ҲАМЛА”

Кейинги пайтда Интернет ўзаро танишувнинг энг қулай воситасига айланди. Сон-саноқсиз сайтлар орқали дўстона ва бошқа алоқалар ўрнатилаётир. Бундай танишувлар эса оилаларда можароларни ҳам юзага келтирмоқда. Бундан Буюк Британияда оила ва никоҳ масалалари билан шуғулланувчи Relation ташкилоти жиддий ташвишланмоқда. Ташкилот вакилларининг фикрларига қараганда, кейинги вақтда Интернет оилалардаги жанжалнинг энг асосий сабабчиси бўлиб қолди. Чунки Интернет ўз фойдаланувчиларига дунёнинг барча жойларидаги кишилар билан осонгина танишиш имконини бермоқда, бундан ташқари уятсизликни тарғиб қилувчи сайтлар ҳам мавжуд. Бундай сайтлардан фойдаланганлар хонадонида эса оилавий муносабатлар издан чиқиб кетяпти.

Relationга мурожаат қилаётганларнинг ҳар ўндан бири ўз муаммоларида Интернетни бош айбдор деб атаётганлиги бежиз эмас. Шуни ҳисобга олган бу ташкилот “душман”га қарши унинг ўзи қўллаётган усул – Интернет орқали жавоб беришга қарор қилди. Эндиликда оиласидаги тинчликка путур етганлар электрон почта орқали Relation мутахассисларига ўз дардларини айтишлари мумкин. Ташкилот директори Анжела Сибсон қийналганларга шу йўл билан далда беришнинг фойдаси катта деб ҳисобламоқда. Интернетдан “жабр” кўрганлар Relationдан таскин-тасалли олишса, психологларга шахсан учрашишларига ҳожат қолмайди.

# DAEWOO UNITEL

## ҲАМИША ЎЗ СЎЗИДА СОБИТЛИККА ИНТИЛАДИ




**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан**

**қўшимча 1000 абонентга**

**БЕПУЛ уланиш**

"Komfort" хизмат кўрсатиш пакетига - 80% чегирма

**SIM карта хариди учун**

**50% чегирма**

"Komfort" ва "Standard" хизмат кўрсатиш пакетлари бундан мустасно

***For your satisfaction only!***

DAEWOO UNITEL GSM CELLULAR SERVICE

**Бош офис:**
Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1
Телефон: 185-00-22
ёки *22 - савдо бўлими

**"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал:**
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а.
Телефон: 185-09-80.

**Компаниянинг вилоятлардаги офислари:**
Фарғона: 24-10-31, Қўқон: 2-33-30
Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30
Бухоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06
Термиз: 7-52-19, Қарши: 23-65-01

Лицензия: РТ № 0000123

## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни истиқлол байрамининг ўн бир йиллиги билан самимий муборакбод этади.

*Ушбу байрамнинг буюк руҳи ҳаммамизга мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтиришда янги куч-ғайрат бахш этсин.*

***Илоҳим, Ҳуррийтимиз мангу, юртимиз тинч-осойишта, элимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!***

## "ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ" акциядорлик жамияти жамоаси

Ўн бир йилдан буён эрку озодлик нашъасидан баҳраманд бўлиб келаётган Ўзбекистон аҳлини улуғ байрам билан муборакбод этади.

Гўзал диёримиз осмони ҳар доим мусаффо, инсонлари ҳамиша бахтиёр бўлишини тилайди.

## Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқлари бошқармаси маркази жамоаси

*Мустақил Ўзбекистон аҳолисини ва барча мижозларини истиқлолнинг ўн бир йиллик шодиёнаси билан самимий табриклайди*

**Бу байрам барчангизнинг хонадонингизга файзу барака, тинчлик, тотувлик, хушкайфият олиб келсин!**

***Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!***

## «ТОШКЕНТ ТАКСОФОНИ» акциядорлик жамияти жамоаси

Акциядорлари ва мижозларини ҳамда барча алоқачиларни Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигибайрами билан қизғин қутлайди.

Асрларга арзигулик мана шу йиллар ичида мамлакатимизда …кан ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, алоқа соҳасини оладиган бўлсак, республикамизда замонавий таксофонлар қурилмоқда.

Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлардир.

Қутлуғ хонадонингизда файзу баракот ва рўшнолик аримасин!


ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ
Республикамиз алоқачиларини юртимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.
Ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз. Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда зафарлар ёр бўлсин!
Эрк Қуёши бошимиз узра абадий порлаб турсин. Истиқлол ва Ҳуррият байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!


Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси
Барча алоқачиларни жонажон Республикамиз Мустақиллигининг ўн бир йиллиги байрами билан чин юракдан табриклайди.
Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган ишларингизда зафарлар ёр бўлсин. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, хонадонингизга қут-барака тилаб қоламиз.


Азиз алоқачилар!
Сизларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ихтисослашган «ADOLAT - KUCHI» адвокатлик фирмаси Мустақилликнинг 11 йиллиги билан қизғин табриклайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик ва оилавий тинчлик тилаб, қалбларингизни улуғ айём шукуҳи ҳеч қачон тарк этмасин деймиз!
Сизлар билан ўзаро ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз ҳамда алоқаларимиз келгусида бундан ҳам мустаҳкам бўлишига умид билдирамиз.

## "Бухоро Телеком" филиали жамоаси

Республикамиз аҳолисини, барча алоқачиларни Истиқлолимизнинг 11 йиллиги билан табриклайди.

*Асрларга татигулик мана шу 11 йил ичида мамлакатимизда улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, алоқа соҳасини чет эл андозалари қаторига олиб чиқиш учун қилинган ишлар таҳсинга лойиқдир.*

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## «ALSKOM» суғурта компанияси жамоаси

*Азиз юртдошларимизни Ўзбекистон истиқлолининг ўн бир йиллиги билан самимий қутлайди.*

**Шу фараҳбахш кунларда сизларга соғлик-омонлик, бахт, оилангизга тўкин-сочинлик тилаймиз.**

**Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Жаннатмонанд юртимизни ғаразли кўзлардан асрасин!**

## "ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ" ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, уни жаҳоннинг пешқадам мамлакатларидан бирига айлантиришдек эзгу ният ила яшаётган барча олийжаноб ҳамюртларимизни кутлуғ байрам — мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан табриклайди.**

*Хонадонингизни файзу шукуҳ, қалбингизни юрт ишқи тарк этмасин!*

## Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси жамоаси

**Республикамиз алоқачиларини энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрами билан қизғин қутлайди.**

*Мустақиллик айёми халқимизнинг асрий орзу этган байрамидир. Зеро, ҳурлик туфайли биз ўзимизнинг нурли келажагимизни топдик. Дилимиздаги эзгу ва хайрли истакларимиз рўёбга чиқмоқда.*

**Тинчлигимизга кўз тегмасин, барчамиз соғ-омон бўлайлик!**

• Тарих

# РАҚҚОСА НИГИНА

Нигина Хоразмшоҳлар салтанати довруғи оламни тутган бир даврда яшади. Нав-ниҳолгина бу раққоса Аловуддин Муҳаммаднинг улкан саройида тез-тез бўлиб ўтадиган базму жамшидларда, тўю томошаларда минг хиромда, ишваю карашмалар билан рақс тушар эди. Ўзининг жозибали ҳаракатлари ила ўзгалар кўнглига олам-олам завқ-шавқ бахш этган бу сулувнинг васли куйида не-не азамат эрлар куйиб ўртанмади дейсиз? Айниқса, у ўз мафтункорлиги билан Хўжанд ҳокими Темур Маликни муҳаббат оташида ёқарди.

Темур Малик наздида беназир чирой ва латофат соҳибаси гўё саккизинчи осмон ҳурларидан бири эди. Ҳокимнинг хаёлини остун-устун қилишга, қалбини чексиз изтиробларга солиб қўйишга биргина "Нигина" сўзининг ўзи кифоя қиларди. Унга уйланиш орқалигина ўз дарди фароғат топишини билса-да, ошиқнинг бу боралаги ўйлари, орзу интилишлари сароблигича қоларди. Негаки, қайнотаси – салтанат ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад Нигинани саройининг файзи-таровати, кўрки жамоли деб билар, қолаверса, шундай соҳибжамолни ўз қизи устига кундош қилиб куёвига узатмаслиги аён эди.

Базму жамшидларда хоразмча шўх-шўх куй-қўшиқларга оҳудай сакраб хиром этаёган Нигинага Темур Малик вужуди жунбушга келганча эҳтирос билан термулиб, пинҳоний ишқ дардидан сархуш бўлиб ўтирарди. Нигина ҳам унинг муҳаббатини нигоҳидан аллақачон англаб етган эди. Ҳар сафар у рақс тушганида ҳукмдор ва унинг аъёнлари ҳадя этган совғалар орасида энг қимматбаҳоси Темур Малик туҳфаси бўларди.

Нигина хоразмшоҳлар салтанатида энг бой аёллар қаторида тарих битикларида қайд этилади. Унинг олтин-кумуш ва дуру жавоҳирлари амиру уламолар тўплаган бойликлардан ҳам икки ҳисса кўп бўлган. Бироқ раққосанинг юраги моддий бойликлардан-да юз чандон қадрли бўлган маънавият билан лиммо-лим тўлиб тошган эди. У суюкли, фидойи бир фарзанд сингари туғилган заминини жондан ортиқ яхши кўрар, унинг файзли кунлари учун жонини тикишга ҳам тайёр эди. Ўша тарих битикларига қора ва мудҳиш лавҳалар бўлиб муҳрланиб қолган 1221 йилги мўғуллар босқини Нигинадай раққоса қизнинг ички олами шаффофдай тиниқ эканлигини кўрсатади.

Турон заминига қашқирдай қутуриб, қонсираб бостириб келган мўғуллар важоҳати Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликлардай жавонмард эрларни чўчита олмади. Улар бор кучларини аҳлига, билагига йиғиб, ғанимга қарши мардона курашишга бел боғладилар. Лекин ўзини "Искандари Соний" деб атаган Муҳаммад Хоразмшоҳ, унинг арзанда ўғиллари ва "икки дунё хотинларининг подшосиман" деб ўзига бино қўйган жоҳил Туркон хотун ҳамда сон-саноқсиз беку амирлар мол-давлатларини карвонларга ортиб, онадай буюк Ватанларини ёғий отлари туёғи остига шундоқ топширганча қочиб қолдилар. Хоразмшоҳнинг калтафаҳм ва худбинлиги боис Жалолиддиннинг кучларни бир жойга тўплаб, уюшган ҳолда жанг қилиш таклифи инобатга олинмади. Шу боис Темур Малик ўз тарафдорлари билан алоҳида босқинчиларга қарши жанг олиб борди. У жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Унинг мардлиги афсонага айланди. Тарих битикларига мангу муҳрланди. Бағдоддан паноҳ топган Нигина эса, хоҳ Жалолиддин бўлсин, хоҳ Темур Малик, мабодо учраб қолса хабар етказишни тайинлаб ўз даракчиларини ҳамма жойларга жўнатиб юборган эди.

... Бағдод кўчаларида оддий фуқаро кийимида, изтиробли қиёфада кезиб юрган Темур Маликнинг қўлини бир дарвеш маҳкам ушлаганича аллақаерга қараб торта бошлади. Эгри-бугри кўчалардан юргач, бир кулба олдида тўхтади. Ичкарига киришганида Темур Маликнинг нигоҳи ўлим тўшагида ётган, чўпдай озиб кетган, заъфарон юзли аёлга тушди. Беморнинг лаблари оҳиста титраб, паҳлавонни ёнига чақирди ва ўзининг Нигина эканини айтди. Сўнг ёстиғи остидаги катта тугунни олишни сўради. Темур Малик тугунни оларкан, бемор илтижо қила бошлади: "Сиз буларни Ватан озодлиги учун сарф айланг. Қурол сотиб олинг, лашкар тўпланг. Душманларни тоза юртимиздан ҳайдаб юборинг. Шунда гўримда армонсиз ётурман". Тугун ичида раққоса умр бўйи шоҳ салтанатида тўплаган олтину жавоҳирлар бор эди...

**Темур Малик раққоса билан хайрлашар экан, бир пайтлар кўзига ўйин-кулгудан бўлак иши йўқдай кўринган Нигинанинг она-юртига бўлган муҳаббатига ич-ичидан тан берди.**

**И.АҲМЕДОВ тайёрлади**

## ВАТАН ҲАҚИДА

***Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақробалар қимматлидирлар; лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина "Ватан" отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?***

**ЦИЦЕРОН**

Энг мақбул фазилат – ватанга ва одамзодга кўрсатилган хизматда.

**Ж.ДЕЛИЛ**

***Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида илдиз отсин.***

**И.ТУРГЕНЕВ**

Бегона юрт ватан бўла олмайди.

**И.ГЁТЕ**

***Ватан таркини бир нафас айлама,***
***Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.***

**А.НАВОИЙ**

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

**А.БЛОК**

***Ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг жажжи қиёфаси яшайди.***

**Г.ФРЕЙТАГ**

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

**Ж.БАЙРОН**

***Ўз юртидан юз ўгирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўгирадилар.***

**Я.ГАЛАН**

Ким ватанни хор қилса – у оиласидан ҳам айрилади.

**П.КОРНЕЛ**

***Ўз ватанига доғ тушириш – уни сотиш деган сўз.***

**В.ГЮГО**



Байрам шукуҳи

## АЛОҚАЧИЛАР ҲАЁТИДАН ҲАНГОМАЛАР

### СЎЗЛАЙДИГАНИ КЕРАК

**"Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Саидакбар Аъзамов қабулига телефон ўрнатиб беришни илтимос қилиб келган отахонга ваъда берди:**

**– Отахон, сизга шунақа зўр телефон – рақамли телефон ўрнатиб берамиз!**

**– Йўқ болам, – жиддий эътироз билдирди отахон, – ҳисобга йўқроқман, менга сўзлайдиганидан ўрнатиб бера қолинг.**

### "СОТОВОЙ"ДА СЎЗЛАШГАН

**– Ат-Термизий бобомизнинг зиёратгоҳларини қуришда беш метр чуқурликдан Афғонистон томонга кетган телефон кабели топилибди, – деди Агентлик ходимлар бўлимининг бош мутахассиси Тожимурод.**

**– Бўлиши мумкин, – суҳбатга қўшилди Агентлик таърифлар бўлими етакчи мутахассиси Султонбек. – Улуғбек бобомизнинг Обсерваторияси атрофини кавлашганда ўн метрдан ҳам телефон сими чиқмаган, демак бобомиз юлдузлар билан «сотовой» да сўзлашган.**

### ГАЗАК ДЕЙИШАДИ

**Тўкин дастурхон устида ўтирган меҳмонларга иштаҳани қитиқлайдиган палов келтирилди. Паловнинг тагида қолиб кетсин дея соқийлик қилаётган «ADOLAT-KUCHI» адвокатлик фирмаси бош директори Маъруфжон Маматожиевич ош устидаги узум баргига ўраб пиширилган гўшт қиймасини таърифлай кетди:**

**– Бу луқмани ковартак дейишади, баъзилар ток палов, баъзилар эса... – сўзини давом эттирмоқчи эди, сабри чидамаган Агентлик ишлар бошқармаси хўжалик мудири Асанали ака:**

**– Бунинг отини «газак» дейишади, – дея сўзга якун ясаб қўя қолди.**

**Маҳамадали ТУРҒУНОВ**

## ҚАДИМГИ ҲИНД ҲИКМАТЛАРИ

***•Барча ишларда ниятинг покиза бўлсин. Одам суйганини бошқача, қизини бошқача ўпади.***

*•Ўзингни бос, туҳфалар келтир, ҳамдард бўл – уч панд шундайдир.*

***•Қуёш чиқаётганда қизил, у ботаётганда ҳам қизил. Бахтиёрликда ҳам, бахтсизликда ҳам улуғлар ўзгармасдирлар.***

*•Аччиқ гапга хасислик, яхши гапга сахийлик, ўз хотинидан мамнунлик, яқинларини ёзғиришдан сақланиш – ер юзининг нодир безаги мана шудир.*

***•Севимли рафиқанг, яқин дўстинг, кенжатойинг, фолбин ва ҳокимнинг олдига қуруқ қўл билан борма.***

*•Муаллимларни юзига мақта, дўстлар ва қариндошларни ортидан, қуллар ва хизматкорларни иш битгач мақта, ўғилларни ҳеч қачон мақтама, аёлларни ўлганидан кейин мақта.*

• Маслаҳат

## МАҚСАДИНГИЗГА ЭРИШИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

***Бунинг учун Элберт Хаббарнинг ушбу маслаҳатларига риоя қилинг.***

● Ҳар куни эрталаб уйдан чиққанингизда даҳанингизни кўтаринг, бошингизни баланд тутинг ҳамда ўпкангизни охиригача ҳаво билан тўлдиринг, қуёш нуридан мириқиб баҳра олинг, дўстларингизни жилмайиш билан олқишланг.

● ***Сизни нотўғри тушунишлари мумкинлигидан қўрқманг. Бир дақиқа бўлса ҳам душманларингиз ҳақида ўйлаб вақтни бекор ўтказманг. Нима қилмоқчилигингизни дастлаб ақлан узил-кесил ҳал қилиб олинг. Амалга оширмоқчи бўлган буюк ҳамда яхши орзулар ҳақида ўйланг ва шунда сиз вақт ўтиши билан ўз хоҳишингизни рўёбга чиқаришга зарур бўладиган имкониятлардан ўзингиз билмаган ҳолда фойдаланаётганингизни сезасиз.***

● Ўзингиз истаган истеъдодли, жиддий ва омадли одамнинг сийратини хаёлан чизинг. Фикрларингиз соатма-соат сизни худди шундай одамга айлантира боради. Фикр энг катта кучдир. Тўғри фикрлаш – яратиш демакдир. Ҳар бир нарса хоҳиш орқали амалга оширилади. Юракларимиз буюрган ишларни қилайлик. Бошимизни ғурур билан баланд кўтарайлик.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
*Habar@uzapt.uzpak.uz*
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-773.
5239 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**
**Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА**
**Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ**
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00